O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 20 июль, чоршанба • № 58 (11.757) • Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2005 йил I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг роли ва масъулияти муҳокама қилинди.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг 28 январида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида, шунингдек 7 февралда Оқсарой қароргоҳида ҳукумат аъзоларининг янги таркиби иштирокида ўтказилган йиғилишдаги нутқида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини танқидий таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтиришга, солиқларни тўлаш ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш тизимини соддалаштиришга, шунингдек молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис кун тартибини муҳокама қилишда қуйидагилар устувор масалалар этиб белгиланди: ҳукумат олдига қўйилган вазифалар қандай бажарилмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари мазкур масалаларни ҳал этишга нечоғлик масъулият билан ёндашмоқда, бу борада эришилган дастлабки натижалар қандай? Иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида кейинги ойларда қабул қилинган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети қай тарзда амалга оширилади?

Мажлисда ушбу масалаларни танқидий муҳокама этиш давомида шу нарса қайд этилдики, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши 2005 йил биринчи ярим йиллигида инфляциянинг мўътадил даражасини, бюджет мутаносиблигини, фаол ташқи савдони, савдо балансида ижобий сальдони таъминлаган ҳолда юқори суръатлардаги иқтисодий ўсиш тенденциясини мустаҳкамлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,2 фоизни, шу жумладан саноатда – 107,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида – 107,2 фоизни, қурилишда – 103,4 фоизни, чакана товар айланмасида – 108,1 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатишда – 111,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек бунга инвестицияларнинг 105,4 фоизга ва экспортнинг 116,7 фоизга кўпайганлиги ҳам ёрдам берди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади.

Ташқи савдо айланмаси 4838,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 16,6 фоизга ўсди. Савдо балансининг ижобий сальдоси 808 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йил кўрсаткичларидан анча юқоридир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги ўсганлиги туфайли жорий йилнинг январь-июнь ойларида давлат бюджетининг даромад қисми ошириб бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши сезиларли ошди. Кичик бизнес корхоналари сони 12,7 фоизга кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 253 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Иқтисодиётда инвестиция фаоллигини ошириш изчил таъминланмоқда, айни бир вақтда капитал қўйилмалар ўтган давр мобайнида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 2,2 фоиз ўрнига 5,4 фоизга ошди.

Ҳукумат дастурларига мувофиқ уй-жой-коммунал хўжалиги тизимида, уй-жой қурилишида ислоҳотлар бошлаб юборилди, шунингдек енгил саноатни ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантирищнинг тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда, уларга муайян даражада молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бир қатор муҳим объектлар барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Чунончи, «Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли участкаси, «Когон-Газли» ва «Муборак-Ғаллаорол» магистрал газ қувурлари участкалари, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қурилмалар, саноатнинг турли тармоқларида янги ишлаб чиқаришлар ва шу кабилар ишга туширилди.

Шу билан бирга, мажлисда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, хусусий тадбиркорлик соҳасини амалий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. У давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз равишда аралашувини чеклашни, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни, солиқ юкини камайтиришни ва рақобат муҳитини ривожлантиришни қатъиян таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ўзаро узвий ҳамкорлик қилиши, кичик ва хусусий бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш, қабул қилинган фармонлар ва қарорларга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан санкцияларни фақат суд томонидан қўлланиш тизимини жорий этишни таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги ва жадал чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлган масалалар этиб белгиланди.

Ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини назорат идораларининг ноқонуний тафтишлари ва текширишларидан халос қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ноқонуний аралаша-

(Давоми 2-бетда).




## БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

**Кеча Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти ёшларининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остидаги ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.**

Унда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан келган минглаб йигит-қизлар иштирок этишди. Фестиваль ёшларимиздаги юксак ватанпарварлик, она-юртга садоқат туйғулари орқали бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида авж олаётган терроризм ва экстремизмни қоралаш, шунингдек, Андижонда содир этилган мудҳиш воқеаларга қарши юртдошларимиз, хусусан, ёшларнинг норозилик ва нафратомуз кайфиятининг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлди. Ватанпарварлик руҳидаги «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам!», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Биз — ёшлар юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати учун масъулмиз» каби шиорлару чақириқлар минглаб иштирокчилар қалбини тўлқинлартириб юборди.

Тадбирда Ватанни шарафловчи, ватанпарварлик туйғусини ифодаловчи қўшиқлар ижро этилди. Иштирокчилар халқаро террорчилик инсоният бошига солаётган кулфатларни ҳамкорликда бартараф этиш, ёвуз тажовузларнинг олдини олишга азму қарор қилганликларини баён этишди.

Фестивал таниқли санъаткорлар ва эстрада хонандаларининг концерт дастури билан якунланди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ САЛМОҚЛИ

**«Чиноз-олтингугурт» кичик корхонаси фаолият бошлаганига эндигина бир ой вақт бўлди. Шу давр ичида корхона 1000 тоннадан зиёд олтингугурт ишлаб чиқарди.**

Айни пайтда корхона 20 дан ортиқ аграр хўжаликларга шартнома асосида маҳсулот етказиб бераяпти.

Яқин кунларда корхонада оҳак, алебастр каби бир қатор қурилиш маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

**Мунира ИСАЕВА.**

## АНДИЖОН: БРИТАНИЯЛИК ЭКСПЕРТНИНГ ҚАРАШЛАРИ

**Жорий йилнинг май ойида Андижонда содир этилган воқеалар хорижий сиёсатшунослар, таҳлилчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Улар вақт ўтгани сари мазкур ҳодисалар билан боғлиқ ахборотлар, аниқланган далилларни таҳлил этиб, воқеаларга ўз шахсий муносабатини билдиришга ҳаракат қилмоқда.**
**Бугун биз муштарийлар эътиборига Марказий Осиё муаммолари бўйича таниқли мутахассислардан бири, Лондон университетининг Шарқшунослик институти профессори, Буюк Британиядаги Қироллик халқаро муносабатлар институтининг мухбир аъзоси, Марказий Осиё мамлакатлари тўғрисидаги кўплаб китоблар муаллифи Ширин Акинернинг Андижон воқеалари бўйича тайёрлаган таҳлилий маърузасининг қисқача баёнини ҳавола этмоқдамиз.**
**Олиманинг Марказий Осиё ва Кавказ институти (АҚШ) томонидан яқинда чоп этиладиган маърузасига унинг Андижонга қилган сафари давомида олган таассуротлари, синчиклаб тўплаган фактлари, шунингдек улар асосида чиқарган хулосалари асос бўлган.**

Ширин Акинернинг таъкидлашича, унинг Андижонга келишидан мақсади «жорий йилнинг 13 май куни у ерда нималар рўй берганини билишдан иборат бўлган, чунки оммавий ахборот воситаларининг хабарлари чалкаш ва бир-бирига зид эди». Андижонга келгач, британиялик эксперт воқеалар содир бўлган асосий жойларга, шунингдек шифохонага, қамоқхонага, қабристонга борди ва жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамлар билан учрашиш имкониятига эга бўлди.

Ш.Акинер сафар якунлари бўйича чиқарган асосий хулосасини қуйидагича изоҳлайди: «Мен бу ҳаракатлар ижтимоий-иқтисодий сабаблар туфайли юзага келганини тасдиқловчи бирорта ҳам далил тополмадим. Бу хатти-ҳаракатлар кўпроқ сиёсий тусга эга бўлиб, Қирғизистон сценарийси бўйича давлат тўнтаришини амалга оширишнинг бошланғич босқичи сифатида ташкил этилгани эҳтимолга яқинроқдир. Менимча, бунинг учун 13 май, яъни жума кунининг танлангани ҳам бежиз эмас. Чунки шу куни одамлар мачитларда жума намозига тўпланишади. Балки «исёнчилар», биз ўз хатти-ҳаракатларимизни диний туйғулар билан боғласак, халқ бизни қўллаб-қувватлайди, деган хаёлда тақиқланган «Акромийлар» ислом ҳаракатининг аъзоларини қамоқхонадан чиқариб юборган. Аслида улар қаттиқ адашган эди. Менинг фикримча, бу можаро ҳокимиятни эгаллаш учун уринишдан бошқа нарса эмас».

Ш.Акинернинг фикрича, «бу тинч аҳоли томонидан ташкил этилган намойиш эмас, балки муайян даражада ҳарбий тайёргарликка эга қуролланган кимсалар уюштирган ҳаракатдир. Ўзбекистон ҳукумати «исёнчилар»дан олиб қўйилган қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар (200 дан ортиқ автомат, 100 та пистолет ва 230 та граната) тўғрисида батафсил ахборот берди; Қирғизистон ҳукумати ҳам Қирғизистон-Ўзбекистон чегарасидан ўтганларнинг қўлидаги қурол-яроғларни мусодара қилди».

Шу боисдан, эксперт-олиманинг ишончи комилки, «бу ўз-ўзидан бошланган намойиш эмас, балки пухта тайёрланган ҳужумдир. Ҳужум қилганлар профессионал жангарилар бўлгани ва ҳужумлар юқори даражада ташкил этилгани ҳам буни тасдиқлайди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда рўй берган воқеалар тўғрисидаги дастлабки хабарларнинг яшин тезлигида кўплаб ахборот агентликларининг биринчи саҳифаларида пайдо бўлиши ҳам воқеалар мутлақо кутилмаганда юз бермаганлигининг исботидир». Маъруза муаллифи ушбу воқеалардан бир неча ҳафта олдин Лондондалиги пайтида «айрим доиралар Ўзбекистонда нимадир содир бўлиши кераклигини кутиб ўтирганини» ҳис қилганини эслайди.

Британиялик экспертнинг фикрича, «қамоқхонага уюштирилган ҳужум аслида, «Акромийлар» ҳаракати аъзоларини озод этишга қаратилган; шу билан бирга, эҳтимол ҳибсдагилар ҳам «исёнчилар»га қўшилиши тахмин қилинган; бироқ уларнинг бу мақсади ҳам амалга ошмади. Аксинча, улар кўплаб маҳбусларни куч ишлатиш йўли билан қамоқхонани тарк этишга мажбур қилган; лекин маҳбусларнинг деярли ҳаммаси ўз ихтиёри билан ушбу воқеалардан кейин бир-икки кундан сўнг қамоқхонага қайтган».

Ш.Акинернинг маълум қилишича, «исёнчилар»нинг айримлари маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган, аммо кўпчилиги Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан, баъзилари эса Қирғизистон ва эҳтимол, МДҲнинг бошқа давлатларидан келган бўлиши мумкин».

«Исёнчилар»нинг айримларидан хорижий валютада катта миқдорда пул топилгани

(Давоми 2-бетда).

## *Изчил ислоҳотлар йўлида*

## МУҲИМ ҚАДАМ

**Сўнгги бир ойдан буён тадбиркорларнинг қалбида умид ва ишонч туйғулари кучайди. Юртбошимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш масалалари хусусидаги фармонлари, шунингдек, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилингач, биз енгил тортдик, бошлаган ишларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттиришга бўлган интилишимиз ортди.**

Бугун барча ишбилармонлар, тадбиркорлар мазкур меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизнинг иқтисодий равнақида муҳим бурилиш ясайди, деб ҳисобламоқдалар. Албатта, бундай қатъий ишонч муайян асосга эга. Зеро, яқин вақтларгача тадбиркор, гарчи унинг манфаатлари ва ҳуқуқлари тегишли қонунларнинг ҳимоясида бўлса ҳам, эмин-эркин ҳаракат қилолмас, ҳар қадамда тўраваччалар, манфаатпараст амалдорларнинг ҳийла-найрангли тўсиқларига дуч келиб турарди. Тўғри, карвон бехатар бўлмайди. Орамизда шунчаки пул ишлаб олиш, ғирром йўллар билан бойлик орттиришни кўзлаб юрган кимсалар ҳам йўқ эмас. Уларнинг чаккибосарликлари соғлом кайфиятдаги, аниқ мақсадли, инсофдиёнатли тадбиркорлар шаънига ҳам доғ туширмоқда.

Лекин, умуман олганда, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш учун кўп иш қилинмоқда. Сўнгги фармон ва қарорлар бу йўлда дадил қадам бўлди. Энг асосийси, мана, уч ҳафтадан буён тадбиркорларнинг эшигини бемаврид қоқиб келувчи турли қиёфадаги текширувчилар йўқ бўлди. Энди улар фаолияти фақат белгиланган тартибда текширилади. Бу ишга ҳар ким ҳам бурнини суқавермайди. Албатта, бундай шароит биз хотиржам ишлашимиз, истиқболни кўзлаб, керагида дадил таваккалчилик қилишимизга имкон яратади. Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз бўлар-бўлмас текширишлар, ўринсиз назоратлардан ҳоли бўлди.

Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимдан бери қандай тўсқинликларга дуч келганлигимни ўзим биламан. Баъзи амалдорлар кўзини лўқ қилганча, тўғри ҳужжатни нотўғри деб туриб оларди. Биласизки, тадбиркорлик фаолиятида, наинки кунлар, балки ҳар лаҳзанинг қадри беқиёс. Шунинг учун гоҳида ўзимизга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларни сезиб турсак ҳам муросаи мадора қилишга мажбур эдик.

Қанча-қанча қийинчиликларни, мураккаб вазиятларни бартараф қилиб, ўз ишимизни йўлга қўйиб олдик. Албатта, бунда юқори идораларнинг адолатпешалиги, ҳамиша биз тадбиркорларга ён босиши, қўллаб-қувватлаши мадад бўлди. Дастлаб унчалик катта бўлмаган ҳажмдаги олди-сотди билан шуғулланиб, бугун маиший рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни, боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачиликни ҳам йўлга қўя олдик. «Саноатқурилишбанки»дан олган 272 миллион сўм кредитимиз ҳисобига полиэтилен қоп ишлаб чиқариш цехини барпо этдик. Ҳозир бу ишлаб чиқариш қувватидан тобора тўла фойдаланиб бормоқдамиз. Умуман, фирмамиз жамоаси олти ойда 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Янги жорий этилаётган тартибларнинг оғишмай амалга оширилиши ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришимиз учун катта имконият яратиб бермоқда.

**Худойберди РАҲИМОВ,**
**Янгийўл шаҳридаги «Хоразм» хусусий фирмасининг раҳбари.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ТАЪМИРЛАНАДИ

**Вилоятдаги бир қатор тиббиёт муассасаларини капитал таъмирлаш бўйича тендер савдолари бўлиб ўтди.**

Хусусан, Паркент туманидаги марказий шифохонанинг тез тиббий ёрдам ва терапия бўлимлари, шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги вилоят акушерлик мажмуасининг иккинчи бўлими ҳамда Бекобод, Бўстонлиқ туманларидаги бир қатор шифохона биноларини таъмирлаш бўйича тендер комиссиясига 30 га яқин қурилиш ташкилотлари ўз таклифларини тақдим этдилар.

Комиссия томонидан барча ҳужжатлар ўрганилди ва энг сара ташкилотларга таъмирлаш ишлари топширилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

### «ТЎРҒАЙ» — РЕСПУБЛИКА ҒОЛИБИ

**Тошкент шаҳридаги Муқимий номли мусиқали драма театрида лапар ва ўлан қўшиқлари ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Унда иштирок этган оққўрғонлик Муҳайё Султонова ҳамда Яйра Ҳасановалар олий соврин эгалари бўлишди. Ғолибларга диплом ва телевизор топширилди.

Оққўрғон туманидаги «Тўрғай» фольклор-этнографик жамоасининг лапарчи қизларига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева устозлик қилган.

**Маҳкам ҲАКИМОВ.**

### «КАМОЛОТ» — ЁШЛАРГА ҚАНОТ

**Оққўрғондаги марказий ўйингоҳда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, маданият ва спорт, ички ишлар бўлимлари ҳамда прокуратура ҳомийлигида спорт-соғломлаштириш тадбири бўлиб ўтди.**

Ўсмирлар спортнинг шахмат-шашка, футбол, стол тенниси ва миллий кураш турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолибларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ҳамид МУСОҚОВ.**

### ЭЪТИБОРДАН МАМНУН БЎЛИШДИ

**Жойларда ўсмирларнинг ёзги таътили мазмунли ўтишига қаратилган қатор тадбирлар, сайру саёҳатлар уюштирилмоқда. Бундай ғамхўрлик ва эътибордан турли хасталикка чалиниб тўшакка михланган ногирон болалар кўпроқ баҳраманд бўлаётгани диққатга сазовор.**

Вилоят шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи Қибрай тумани давлат солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда хайрия тадбири уюштирди. Унинг доирасида тумандаги махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган 150 нафар ногиронлар пойтахт бўйлаб саёҳатга отланишди. Айниқса, Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида ўтган кеча барчага манзур бўлди. Унда болалар учун маданий дастурлар билан бир қаторда спорт беллашувлари ҳам ташкил этилди.

**Шуҳрат АРСЛОНОВ.**

# ҲАРАКАТ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимиз иқтисодиётининг асоси ҳисобланган аграр тармоқнинг жадал ривожланишида фермерлик ҳаракатининг беқиёс аҳамияти бор. Ҳукуматимиз жамиятнинг янги, замонавий мулкдорларига катта умид ва ишонч боғлаб, улар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган изчил ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ўз навбатида, заминдорларимиз ҳам иш юритишнинг энг маъқул асосларига таяниб, тармоқда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритмоқдалар.**

Айни ҳол, фермерлик истиқболли ҳаракат эканлигини, унга бугун берилаётган ҳар қандай эътибор, ғамхўрлик ўз самарасини бериши муқаррарлигини яна бир карра намоён этмоқда. Бироқ, ҳаракат теграсида юзага келаётган, ҳанузгача сунъий тўсиқлар боис барҳам топмаётган муаммолар ҳам борки, булар ҳақда чуқурроқ фикр юритиш вақти етган...

Баайни фикрлар вилоят фермерларининг яқинда бўлиб ўтган таъсис конференциясида ўртага ташланди. Анжуманда вилоятимизнинг барча туманларида фаолият юритаётган фермерлар орасидан саралаб олинган 75 дан зиёд делегат иштирок этди. Конференция иштирокчилари дастлаб кун тартибидаги биринчи масала — республика фермер хўжаликлари уюшмасининг янги таҳрирдаги Низоми билан атрофлича танишдилар. Уюшманинг ўтган ойда бўлиб ўтган қурултойида қабул қилинган ҳаракат дастурининг моҳияти ҳамда навбатдаги мақсад ва вазифалари юзасидан республика фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилов маъруза қилди.

— Вилоят фермерларининг бутун республикада ўз ўрни ва салоҳияти бор, — деди уюшма раиси вилоятимиз фермерларининг бугунги фаолиятига ҳолис баҳо берар экан. — Минглаб фермерлар пахта ва ғаллачиликда бой тажриба эгаллаб улгурдилар, уларнинг самарадорлиги ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил вилоятда етиштирилган режадаги ғалла ҳосилининг қарийб 45 фоизи фермерлар улушига тўғри келганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Дарҳақиқат, фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келган бир қатор ижобий ўзгаришларни таъкидлаш жоиз. Уюшманинг янги таҳрирдаги Низомида эса, фермерлар манфаатини кўзловчи жиҳатлар аниқ белгиланган, заминдорлар мавқеини юксалтиришга қаратилган мақсад ва вазифалар қайд этилган. Ўзаро муносабатларда, олди-сотди шартномаларида фермернинг ҳақ-ҳуқуқлари устувор этиб белгиланди.

Конференцияда сўз олган Қуйичирчиқ туманидаги «Қутбинисо ая» фермер хўжалиги соҳиби, Республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ҳайрулла Ибрагимов фермерлар эътиборини ҳаракатнинг амалдаги ҳуқуқий асосларига қаратди. Сенаторнинг сўзларига кўра, бугунги кунда фермерлик ҳаракати ўзининг мукаммал меъёрий-ҳуқуқий негизига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ўз маърузаларида ҳам Юртбошимиз бу борада алоҳида тўхталиб ўтдилар. Айни вақтда эса, юқори қонун чиқарувчи органда фермерлик ҳаракати ва қонунчилиги теграсидаги қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилмоқда. Бунинг натижасида, тармоққа оид меъёрий ҳужжатлар янада мукаммаллашиб, шаклланиб бораверади.

Конференциянинг эркин муноразалар қисмида сўзга чиққан Бекобод туманидаги А. Жабборов номли фермер хўжалиги раиси Абдуҳолиқ Жабборов, Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раиси Абдумалик Каримов, Чиноз туманидаги Муқимий номли фермер хўжалиги раиси Муқим Эрхўжаев, Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раиси Мухторхўжа Тўхтаниёзов ва бошқалар ўз фаолиятларидаги ютуқ ва нуқсонлар, ҳаракат илдизига болта ураётган айрим салбий иллатлар борасида фикр юритдилар.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойида 440 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик, — деди жумладан, фермер М. Тўхтаниёзов. — Эришаётган натижаларимиз чакки эмас. Фаолиятимизни янада юксалтириш мақсадида ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этмоқдамиз. Хусусан, яқинда қўшимча 70 минг АҚШ доллари миқдоридаги янги линия келтириб, ишга тушириш масаласини ҳал этдик. Савдо дўконларимиз самарали ишлаб турибди. Бироқ, мамлакатимиз ҳукумати, хусусан, Президентимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармон ва қарорларнинг амалга киритилаётганига қарамай, фаолиятимизга асоссиз, сурункали аралашув ҳолатлари, афсуски, учраб турибди. Айниқса, солиқ, банк ва бошқа нуфузли идоралар билан муносабатда чигалликлар келиб чиқмоқда. Мамлакатимизда фермернинг ҳуқуқ ва манфаатлари юксак даражада ҳимояланаётганига шубҳа йўқ, фақат уларнинг тўла амал қилишида, биз — мулкдорлар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳамда берилаётган имтиёзлардан керагича фойдаланишга ўрганишимиз зарур.

Конференцияда фермерлар бир овоздан уюшманинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси билан тузган ҳаракат дастурини маъқулладилар. Мазкур партия ўзининг сиёсий фаолиятида фермерликнинг ривожланишида катта ташаббус ва жонбозлик кўрсатишига ишонч билдирдилар.

Шунингдек, иштирокчилар кун тартибидаги ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Унга кўра, фермерлар уюшмаси вилоят вакиллигининг 25 аъзодан иборат Кенгаши ҳамда беш кишидан иборат тафтиш комиссияси тузилди ва тасдиқланди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## БАНКЛАР УЧУН ЯНГИ НИЗОМ

**Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб янги ташкил этиладиган хусусий банклар учун устав капиталининг кичик миқдори 1,5 миллион АҚШ доллари миллий валюта эквивалентида, тижорат банкларида 3 миллион АҚШ доллари, хорижий капитал иштирокидаги банкларда 5 миллион АҚШ доллари миқдорида белгиланди.**

Марказий Банк вакилининг таъкидлашича, мамлакат бош молиявий идорасининг "Тижорат банклари капитали адекватлиги тўғрисидаги талаблар бўйича Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори худди шу масалага қаратилган.

2006 йилнинг 1 январидан бошлаб республикада янги ташкил этиладиган хусусий банкларнинг устав капитали 2 миллион долларгача, тижорат банклариники 4 миллионгача оширилади. Хорижий капитал иштирокидаги банкларнинг устав капитали эса аввалги ҳажмда, яъни 5 миллион АҚШ доллари миқдорида қолади. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб эса банкларнинг устав капитали миқдори яна оширилади. Бунда хусусий банкларда – 2,5 миллион долларни, тижорат банкларида 5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Хорижий капитал иштирокидаги банкларда эса олдинги миқдор сақланиб қолади.

**«Туркистон-пресс».**

## Olamda nima gap?

### ШАКЛАН МЎЪЖАЗ, АММО...



**РОССИЯ**нинг Уфа шаҳри аэропортида мўъжаз бомба олиб ўтаётган йигит қўлга олинди.

Бошқирдистон давлат университетининг талабаси бўлмиш кимса қўлидаги бу ажал уруғи қўлбола портлатиш мосламаси экан. Мазкур мамлакат Ички ишлар вазирлиги вакилларининг айтишича, мослама 0,125 литр сиғимли шиша идишга жойланган магний, марганцовка, мум аралашмаси ҳамда тутатқи чилвирдан иборат бўлган.

### АСОССИЗ ХОТИРЖАМЛИК



**БУЮК БРИТАНИЯ** махсус хизмати ходимлари июнь ойида ҳозирлаган махфий ҳисобот анча хотиржам эди. Унда ёзилишига кўра, «мамлакатда айни пайтда ҳужум уюштиришни ният қилган ва бундай имкониятга эга гуруҳлар мавжуд эмас». Буюк Британиядаги террорчилик хавфи даражасини ушбу ҳисобот муаллифлари анча пасайтириб кўрсатишни маъқул кўришгани яққол сезилиб турибди.

### НОРОЗИЛИК ЮРИШИ



**ИСРОИЛ**да Фаластин мухторияти билан бир томонлама бўлинишга қаршиларнинг норозилик юриши бошланди.

Тадбирнинг ўн минг кишидан ортиқ иштирокчилари Нетивотдан Ғазо ҳудудида жойлашган Гуш-Катифгача пиёда боришни режалаштиришган. Сал илгари Исроил ҳукумати вакиллари бу юришни ноқонуний деб эълон қилишганди, зеро Ариэл Шарон топшириғига биноан Ғазо ҳудудига кириш ёпиб қўйилганди.

### САҲРО УЗРА ТЎҚНАШУВ



**АҚШ** ҳарбий денгиз кучларига қарашли икки қирувчи самолёт ҳавода тўқнашиб кетди.

Тўқнашув душанба куни Калифорния штатининг Мохаве саҳроси узра ўтказилаётган машқ парвозлари чоғида рўй берди. F/A-18 E ва F/A-18 F русумидаги Hornet самолётлари АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг «Лимур» базасига тегишли эди. Жароҳатланган икки учувчининг аҳволини шифокорлар анча оғир деб эътироф этмоқдалар.

## БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Оқ елкан» соғломлаштириш оромгоҳида «Экосан – Оролбўйи болаларига» шиори остида болалар бадиий ижодиётининг навбатдаги «Чорвоқ – 2005» экологик фестивали бўлиб ўтди.**

Тадбир Экология ва саломатлик кунлари доирасида «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан «Фестиваль» интер-клуби ҳамда Туркия халқаро алоқалар агентлиги (ТИКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Фестивалда Чимён тоғ этагидаги сўлим гўшалардан бири – Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Чотқол», «Шодлик», «Наргиз» ва «Олимпиячи» оромгоҳларида дам олаётган ўғил-қизлар ҳам иштирок этди. Оролбўйи ҳудудидан келган болалар ёзги таътилни айнан мана шу ерда ўтказмоқда. Болалар бу ернинг ажойиб табиати қўйнида мириқиб дам олмоқда, улар учун турли кўнгил очар тадбирлар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси Оролбўйи болаларини соғломлаштириш дастурининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Ушбу тадбирни амалга оширишда эса давлат тузилмаларидан ташқари республикамизнинг жамоат ташкилотлари ҳам қатнашмоқда.

**ЎзА.**

*Қишлоқ мулкдорлари*

## ҚЎРАМИЗ ҚЎЙГА ТЎЛДИ

**Вилоятимизда деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолияти тобора юксалиб, кенг қулоч ёймоқда. Мулк эгаларининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш йўлидаги изчил ислоҳотларнинг амалга оширилаётгани бу борада айни муддао бўлаётир.**

Бўстонлиқ туманидаги «Турон» фермер хўжалигининг ташкил этилганига 10 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида хўжалик ўз олдидаги тўсиқ ва муаммоларни енгиб, бугун анчайин иқтисодий бақувват даражага етишди.

— Ҳаракатимизни ўттиз беш қўй-қўзи билан бошлаган эдик, — дейди фермер Айтхўжа Асқаров. — Ҳозирда улар сони 430 тадан ошди. Бундан ташқари 40 бош қорамол ва йилқимиз бор. Фаолиятимиздаги самарадорлик ўзимизни қониқтиради. Биргина ўтган йилнинг ўзида 4 тонна гўшт, 600 килограмм жун сотдик. Бу йил кўрсаткичларимиз янада юқори. Хўжалигимиз аъзолари 12 нафарга етди, уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам йил сайин ошмоқда.

2004 йилги даромадимиз 60, соф фойдамиз эса 15 миллиондан ошди. Шу ўринда айтиш керак, даромадимизнинг анчагина қисмини хўжалигимизнинг техник негизини мустаҳкамлаш учун сарфлаяпмиз. 3 та трактор ва 2 та юк ташувчи машинамиз бор. Ўтган йилги даромадимиздан ишда фойдаланиш учун 2 та «Матиз» автомашинаси сотиб олдик. Ҳисоб-китобимизга кўра, бу йилги соф фойдамиз 18 миллиондан ошади. Хуллас, фермер бўлиб адашмадик, қўрамиз қўйга, кўзамиз мойга тўлди.

«Турон»нинг тезда ривож топиб, ўз имкониятларини кенгайтириб боришида наслчиликка берилаётган эътибор ғоят муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, фермернинг отаси Файзуллахўжа Асқаров чорва наслчилигида бой тажриба ва уқувга эга мутахассислардан. Хўжалик қарамоғида асосан қора ҳисори қўйлар боқилади. Кекса фермернинг айтишича, зотдор ҳисобланадиган мазкур жониворларнинг гўшт ва сут бериш самарадорлиги анча юқори экан.

Азалдан тасарруфида беҳисоб қўй-қўзилари бўлган кишиларни «минг қўйлик бой» дея алқашган. Фермернинг мақсади хўжалигидаги қорамол ва қўй-қўзилар сонини мингтадан оширишдир.

**Алишер РАҲМАТОВ.**



*СУРАТДА: фермер Айтхўжа Асқаров қарамоғидаги наслдор қўзиларни кўздан кечирмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# САБОҚЛАР

* *Хавфсиз шаҳарда портлаш*
* *Энг манфур жиноят*
* *Парчаланган ишонч*

ичида уларнинг бирортаси бўйича аниқ чоралар кўриш у ёқда турсин, ҳатто бир тўхтамга келишнинг ҳам имкони бўлмади. Сайёрамизда ер ости заҳираларига энг бой қитъа бўла туриб, энг қолоқ ҳудудларга айланган Африка мамлакатларига ёрдам кўрсатиш борасида ҳам ҳеч нарса қила олмаган саккизлик учрашуви алоҳида мақола учун мавзудир. Бироқ, эътиборга молик жиҳати шундаки, Скотланд-Ярд ва Ливерпуль-Стритдаги кетма-кет портлашлар халқаро терроризм масаласини яна саммитнинг асосий мавзусига айлантирди.

Йиғилиш якунида Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр халқаро террорчилик кескин қоралланган навбатдаги баёнотни ўқиб эшиттирди. Мамлакат телевидениеси учун чиқишида эса унинг ўзи Британия XXI аср балоси бўлган бу иллатга қарши курашни асло тўхтатмаслигини билдирди. *"Бизнинг ўз қадриятларимиз ва ҳаёт тарзимизни ҳимоя қилишга бўлган қатъиятимиз террорчиларнинг бутун дунёга экстремистик қарашларни тарқатиш билан бегуноҳ инсонларга ўлим келтириш ва уларни йўқ қилишга бўлган қатъиятидан кучлироқдир. Муҳими, улар буни тушуниб етсин. Улар, нима қилмасинлар, ўз давлатимиз ва дунёнинг бошқа тараққий этган мамлакатларида биз қўриқлаётган нарсаларни йўқота олмайди"*, дейилади Блэрнинг баёнотида. Жаноб бош вазир "ўз қадриятлари"ни тилга олганда нимани назарда тутганини билмайману, аммо, фикримча, халқаро террорга қарши курашаётган давлатлар бир катта хатога йўл қўймоқда. Хўш, бу хато нимада?

Бугунга келиб Ўзбекистон раҳбари давлат миқёсидаги муҳим қарорларни қабул қилишда, албатта, халқаро терроризм муаммосидан келиб чиқиб фикр юритиши аллақачон эътироф этилди. Сўнгги йилларда террористик ҳужумлар нишони бўлган АҚШ ва Россия Федерацияси президентлари — Жорж Буш ва Владимир Путин ҳам шундай йўл тутмоқда. Ёдга олсак, айнан шундай сиёсат уларнинг сўнгги сайловларда ғалаба қозонишига замин бўлганди. Бироқ террор балосига қарши фақат баёнотлар кифоя эмас-да. Албатта, биометрик паспортлар, кўз ва қулоқ шакллари тўпланган компьютер маълумотлари банки, кетма-кет ўтказилаётган кенг миқёсдаги операциялар, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар ва унда ҳалок бўлган 2 мингга яқин аскар ва бошқа жиҳатлардан индамай кўз юмиб бўлмайди. Менимча, халқаро антитеррор коалициясига қўшилган аксарият мамлакатларнинг энг катта хатоси — бу кураш замирига ўзларининг геосиёсий мақсадларини ҳам аралаштириб юборгани бўлди. Исломда "Амаллар ниятга боғлиқ" деган ҳадис бор. Модомики мақсад ОИТС, гиёҳвандлик, энергетика инқирози, экологик таназзул, қашшоқлик сингари янги асрда инсоният дуч келаётган муаммолардек долзарб, айрим ҳолларда эса, ҳатто улардан ҳам ошиб тушаётган халқаро террорчиликка қарши курашми, **фақатгина** шу мақсадга қараб интилиш керак.

Тўғри, терроризмга қарши кураш ғояларига ўзининг геосиёсий мақсадларини сингдириш жараёнини қайсидир маънода тушуниш мумкин. Мутахассислар 2015 йилга бориб ОПЕК (Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) картели жаҳон иқтисодиётининг реал эҳтиёжини қондира олмай қолиши ҳақида огоҳлантирмоқда ва нефтга бой ёки қитъамизнинг муҳим нуқталарида жойлашган қатор давлатларга аста-секин "етарли даражада демократик эмас"га ўхшаш айбловлар ёпиштирила бошланганида мантиқ бор. Шу жумладан, яхшилаб ўйлаб кўрилса, Хитой, Россия, Покистон, Эрон ўртасидаги жуда қулай ҳудудда жойлашган Ўзбекистондаги авиабазани олиб чиқиш муддатларининг тинимсиз кечиктирилаётгани сабабини ҳам англаб етиш мумкин.

Шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари бизга жуда кўп сабоқлар берди. Биринчи сабоқ шуки, бирор давлатнинг бошига шундай кун тушган пайтда, ўша мамлакат раҳбарияти ва халқининг ўзидан бошқа ҳеч ким унга ёрдам бера олмас экан. Бундай вазиятда халқнинг янада жипслашиши ягона йўл эканлиги ва бу каби фожиалар миллатни бир-бирига яқинлаштириши намоён бўлди.

Мен ўзим Андижон шаҳри фарзандиман. Ўша фожиали кунда Тошкентда — иш жойимда ўтириб, интернет орқали тарқатилаётган бир-биридан ёлғон ва бўҳтон хабарларни ўқир эканман, қалбимдан кечган туйғуларни фақат шундай аҳволга тушган одамгина ҳис қила олса керак. Она шаҳрим бошига тушган фожиани худди футбол бўйича жаҳон чемпионатидек **завқ** билан кузатишларини, ундан кейин бошланган ахборот хуружини кўриб, журналистика факультетида шаклланган Ғарб матбуоти ҳақидаги идеалларим парча-парча бўлиб кетди. Бу мен чиқарган иккинчи сабоқ бўлди.

Террорчи қўлидаги автомат билан Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмга эндигина жойлашган ёш аскарга қаратиб ўқ узаётганда, Ватан ўғлони ана шу ўқдан жон бераётган ва нега айнан у ўз орзуларига эриша олмай ҳаётдан кўз юмиши кераклигини тушунмай қолганда, аскарнинг онаси ўғлининг жасадини уйга олиб келишган лаҳзаларда уларнинг хаёлидан нималар ўтганини тасаввур қилиб, учинчи сабоқни чиқардим: бутун дунё мамлакатларида ўлим жазосига мораторий жорий этилган тақдирда ҳам, террорчилар фақат ўлим жазосига мустаҳиқ.

Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ керак. Ўз халқлари учун масъул бўлган давлат раҳбарларидан тортиб, оддий фуқароларгача — барча террор хавфини бутун оқибатлари билан англаб етиши шарт. Унга қарши кураш ёки масалан, демократия ўрнатиш сингари олий мақсадларга ўз манфаатини аралаштиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Террорчиликка қарши кураш бошлангандаёқ йўл қўйилган бу хатони очиқ тан олиш ва кеч бўлса-да, уни ўнглаш лозим. Акс ҳолда, бундай хатолар кечирилмайди.

**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**(«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 19 июль).**

*Қонун ва ижро*

# АДОЛАТ ҲИМОЯСИ

**Қонун устуворлигини таъминлаш, суд идоралари мавқеини мустаҳкамлашнинг зарур шартидир. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг алоҳида, яхлит тизими шаклланди. Эндиликда фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш изчил тус олди. Фуқаролик ишларини тез, малакали кўриб чиқиш учун қулай шароитлар яратилган.**

Бироқ, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш соҳасидаги ишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим биринчи босқич судлар фаолиятида ҳамон ишнинг моҳиятини ойдинлаштирмаслик, ҳақиқий ҳолатлар тегишли қонунлар талаблари асосида аниқлаб чиқилишига юзаки ёндошув бир қатор қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Натижада фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўлиб, ортиқча оворагарчиликлар содир бўлмоқда. Айни шу ўринда прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида судларнинг қонунга зид бўлган қарорлари устидан протестлар келтириш жараёнининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Жумладан, шу йилнинг беш ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 7140 та фуқаролик иши кўрилди. Уларнинг 68,4 фоизида прокурор иштироки таъминланиб, қонунларга аниқ амал қилиниши кузатиб борилди.

Лекин ҳозиргина айтганимиздек, бундай иштирок таъминланмай қолган вазиятларда қонунларни четлаб ўтиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминламаслик фактлари юз бермоқда. Табиийки, бундай юзакичилик, бирёқламалик фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир.

Суд қарорларидан норозилик билдирилган ҳолатларда тарафларнинг шикоятлари, прокурорларнинг протестлари асосида фуқаролик ишлари апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилиб, қонунга зид қарорлар бекор қилинмоқда ёки ўзгартирилмоқда.

Вилоят прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими беш ой давомида фуқаролардан фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларидан норозилик билдирилган жами 125 та ариза ва шикоят олди. Шундан 50 та ариза бўлим томонидан бевосита ўрганилди. 9 та аризада кўрсатилган важлар тасдиқланди. Шу боис, суд қарорларига назорат тартибида протест келтирилиб, фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантирилди.

Жумладан, ўтган йилнинг октябрида фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди уй-жой қонунчилигини нотўғри татбиқ этилишига йўл қўйди. Фуқаро Ю. Умаралиевни бошқа тураржой бермасдан кўчириш тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул қилди. Албатта, бу норозилик билдириб, шикоят ёзилишига сабаб бўлди. Шу шикоят аризаси асосида фуқаролик иши ўрганилганда, даъвогар Х. Умаралиевнинг даъво талаблари асоссиз қаноатлантирилганлиги аниқланди. Ишни кўриб чиқиш чоғида суд томонидан уй-жой қонунчилиги нотўғри татбиқ этилган, бир фуқаронинг ҳуқуқи топталган. Ушбу суд қарорига вилоят прокуратураси томонидан келтирилган кассация протести фуқаролик иши бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясида 2005 йил 11 февраль куни кўриб чиқилди. Унинг ажиримига кўра, шикоят қаноатлантирилиб, иш юзасидан янги ҳал қилув қарори чиқарилди, даъвогар Х. Умаралиевнинг жавобгар Ю. Умаралиевни бошқа тураржой бермасдан кўчириш тўғрисидаги даъвоси рад этилди. Фуқаро Ю. Умаралиевнинг тураржойга бўлган ҳуқуқлари тикланди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: «Бу ишни кўриб чиққан судя, наҳотки, уй-жой қонунчилигини билмаса?» Билади, лекин уни татбиқ этиш чоғида холис, ҳалол иш юрита олмайди. Томонлардан бирининг «раъйи» устун келиб қолади.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси шаҳар ва туман прокурорлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга келтирилган зарарни ундириш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Яна бир жиҳат кишини ўйга толдиради. Бу фуқаролик ҳуқуқий воситаларидан фойдаланилган ҳолда келтирилган зарарни ундириш чораларига тааллуқли. Қисқа муддатда 1.310.861 минг сўм зарарни ундириш тўғрисида 1021 та даъво аризаси судларга юборилди. Шундан 744 та ариза кўриб чиқилиб, 600.971 минг сўмни ундириш тўғрисидаги даъволар қаноатлантирилди.

Меҳнат муносабатларида қонунбузилиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани ҳам ташвишланарлидир. Бу асосан иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги борасидаги ҳуқуқий саводсизлиги оқибатидан бошқа нарса эмас. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида шундай ҳолатлардаги зарарни ундириш юзасидан 261 та даъво аризаси олинди. Шундан 146 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, 476.488 минг сўмни ундириш тўғрисида даъвогарларни қаноатлантирувчи қонуний қарор чиқарилди. Шу кунга қадар бу маблағларнинг 119.689 минг сўм қисми амалда ундирилди. Жумладан, Ангрен шаҳар прокурори томонидан «Субоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларига 2005 йил январь-апрель ойлари учун 46 миллион 337 минг сўмлик иш ҳақи тўланмай келинаётганлиги аниқланиб, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақини ундириш юзасидан судга даъво аризаси келтирилган.

Фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида 33 та 30 миллион 435 минг сўмлик даъво аризалари келтирилган бўлса, шунинг 24 таси 31243 минг сўмни ундириш тўғрисидаги вояга етмаганларнинг манфаатини кўзлаб келтирилган даъволардир. Ўртачирчиқ туман прокурори томонидан ўқув-тажриба хўжалиигида ишлаётган оналарга нафақа тайинлаш тўғрисидаги қонун талаблари ижроси ўрганилди. Хўжаликда маблағ бўлмаганлик сабабли болаларга нафақа тўланмаётганлиги аниқланди. Ўн уч онага 1 миллион 975 минг сўм нафақа пулларини ундириб бериш тўғрисидаги туман прокурорининг даъвоси фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2005 йил 12 майдаги ҳал қилув қарорига кўра қаноатлантирилди.

Фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масалалари доимий равишда кўриб борилмоқда. Зеро, бу турмушда қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур шартидир.

**Раҳима ҚУРБОНҚУЛОВА,**
**вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.**
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

